



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2024 йил 19 март, № 57 (8680)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ЙЎНАЛИШИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 март куни Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигида бўлиб, соҳадаги режалар тақдироти билан танишди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги бу агентлик ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Шунга мувофиқ, тупроқ, ўғитлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибини таҳлил қилади, зарарли организмлар кириб келиши ва тарқалишига қарши курашиб, фитосанитар тоза маҳсулотлар етиштирилишини таъминлайди.

Сўнгги йилларда соҳада 7 та янги ахборот тизими жорий қилиниб, 40 та йўналиш рақамлаштирилди. Халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг 20 миллион долларга яқин грант маблағлари жалб этилиб, лаборатория ва ускуналар янгиланди. Худудлардаги стационар ва мобил лабораториялар орқали 1 миллион 40 минг гектар ернинг тупроқ таҳлили ўтказилиб, минерал ўғитларни қўллаш мезёрлари илмий асосда белгиланди ва "uzagrolob.uz" дастурига киритилди. Ундаги маълумот ва тавсиялар орқали фермерлар дала ва боғларга аниқ ишлов бермоқда.

Бундай чора-тадбирлар мева-сабзавотларимиз сифати ва ҳавфсизлигида муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда 80 та давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун 620 та фитосанитар рухсатлар олинган. "GSP+" тизими доирасида 200 минг гектар майдон халқаро талабларга мослаштирилган. 2023 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги экспорт қарийб 2 миллиард долларни ташкил этган. Лекин аслида экспорт салоҳияти бундан анча кўп.

Шу йил 18 январь куни экспорт ва саноат масалалари бўйича бўлиб ўтган видеоселек-

тор йиғилишида мева-сабзавотчилик соҳасидаги чора-тадбирлар ҳам белгиланган эди. Хусусан, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига экспортбоп маҳсулотлар экилишини ташкиллаштириш ҳамда янги салоҳиятли бозорлар топиш бўйича вазифа қўйилганди.

Тақдиротда шу борада қилинаётган ишлар ва режалар ҳақида ахборот берилди. Лойиҳалардан бири "Агроқўмакчи" мобил иловаси бўлиб, унда ўсимликлар ҳимояси, бу соҳадаги хизматлар, фойдала маълумотлар, экспорт бўйича маслаҳатлар билан танишиш мумкин.

"Asiaexport.se" платформаси эса юртимиздаги экспортчилар билан чет элдаги харидорларни ўзаро боғлайди. Унда нафақат мева-сабзавотлар ва қурилган мевалар, балки шарбатлар, уй-рўзгор буюмлари, қандолатчилик, тўқимачилик, чармдўзлик ва фармацевтика маҳсулотлари каби кенг турдаги товарлар ҳақида маълумотлар жойлаштирилади.

Агентликнинг халқаро "ePhyto solution" инновацион тизими доирасидаги ҳамкорлиги ҳақида ҳам ахборот берилди. Бу тизим орқали 119 та мамлакат билан фитосанитар сертификатлар электрон шаклда алмашилмоқда. Жорий йилда яна 8 та давлатга 25 турдаги маҳсулот бўйича фитосанитар рухсатнома олинади.

Шу каби чора-тадбирлар натижасида бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини 3,5 миллиард долларга етказиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун, аввало,

экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш, фермер ва деҳқонларнинг хабардорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

— Бу соҳада ҳуқуқий замин бор, кўп давлатлар билан келишувларга эришганмиз. Лекин экспортчилар маҳсулотини қийинчилик билан сотяпти. Шунинг учун экспортчилар билан доимий "мулоқот майдони"ни ташкил этиш керак. Ҳокимлар ҳудудда етиштирилаётган маҳсулотлар, элчилар ташки бозордаги талаб ва нархлар билан экспортчиларни таништириб бориши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз мева-сабзавотларни қадоклаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

— Қадоклар халқаро стандартларга мос, замонавий дизайнда, саноатлашган тарзда бўлиши керак. Ушанда сифат бўлади, миллий бренд яратилади, қўшилган қиймат ҳам баланд бўлади. Шунинг учун экспортчиларга тўғри, тартибли ва чиройли қадоклашни ўргатиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Маҳсулотлар яроқсиз бўлиб қолмаслиги, экспортга сифатсиз маҳсулот қўшилиб кетмаслиги учун тизимли ишлаш муҳимлиги айтилди.

— Бу борада ҳам кластер тизими бўлиши керак. Таълимдан бошлаб, маҳсулотларни екиш, ўғитлаш, териб олиб, саралашгача бўлган ҳамма босқичларни ўзаро мувофиқ ва юқори сифатда йўлга қўйиш зарур, — деди Президент.

Вазирлар Маҳкамасига ушбу тизимни такомиллаштириш ва экспортни режали таш-

кил этиш учун 3 йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали экспорт ҳаммаларини нисбатан қиммат бозорларга йўналтириш муҳимлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари агентликнинг замонавий лабораторияси билан танишди. Лабораториянинг илмий салоҳиятини ошириш, жажондаги илмий ютуқларни ўзлаштириб, соҳага тегишли идораларда тезкор татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда агрокимё тизимида қўлланаётган техника ва ускуналар ҳам намойиш қилинди.

Қайд этилганидек, чет элдан юқори самарали энтомофаглар олиб келиниб, зараркунанда хашаротларга қарши янги турда кураш йўлга қўйилган. Тажрибали экспертларни жалб этган ҳолда ҳар бир маҳсулотни етиштириш, сақлаш, қадоклаш ва етказиб бериш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқилган. 10 та кўчма лаборатория ташкил этилган.

Бу йил худудларда 10 та кўчма лаборатория ташкил қилинади. 6 мингта боғ, 3 мингдан зиёд тоқзор ва дала майдонлари, 344 та қадоклаш корхонаси хорижий фитосанитария талабларига мувофиқлаштирилади. Пестицидлар муомаласидаги барча жараён рақамлаштирилиб, сифатсиз пестицидларнинг юртимизга олиб келиниши ва ноконуний савдосига барҳам берилди.

Президент тизимдаги мутахассислар малякисини ошириш, агентлик хизматларининг ҳар бир фермер ва томорқа эгаларига етиб боришини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ЕТАКЧИСИНИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДАГИ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни ушбу мамлакат президентлигига сайловда қозонган ишончли ғалабаси билан дилдан қутлаб, келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Давлатимиз раҳбари сайловчиларнинг фаол иштироки ва овоз бериш натижалари россияликлар амалдаги Президентга ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни ушбу мамлакат президентлигига сайловда қозонган ишончли ғалабаси билан дилдан қутлаб, келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда кооперациянинг янги шакллари ва истиқболли лойиҳаларини илгари суриш учун самарали мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугун ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тар-

моқларида инвестиция лойиҳалари амалга оширилимоқда, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва худудлар ўртасида кооперация алоқалари кучаймоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда кооперациянинг янги шакллари ва истиқболли лойиҳаларини илгари суриш учун самарали мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугун ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тар-

моқларида инвестиция лойиҳалари амалга оширилимоқда, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва худудлар ўртасида кооперация алоқалари кучаймоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда кооперациянинг янги шакллари ва истиқболли лойиҳаларини илгари суриш учун самарали мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугун ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тар-

моқларида инвестиция лойиҳалари амалга оширилимоқда, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва худудлар ўртасида кооперация алоқалари кучаймоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда кооперациянинг янги шакллари ва истиқболли лойиҳаларини илгари суриш учун самарали мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугун ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тар-

моқларида инвестиция лойиҳалари амалга оширилимоқда, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва худудлар ўртасида кооперация алоқалари кучаймоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда кооперациянинг янги шакллари ва истиқболли лойиҳаларини илгари суриш учун самарали мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугун ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тар-

моқларида инвестиция лойиҳалари амалга оширилимоқда, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва худудлар ўртасида кооперация алоқалари кучаймоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда кооперациянинг янги шакллари ва истиқболли лойиҳаларини илгари суриш учун самарали мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугун ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тар-

моқларида инвестиция лойиҳалари амалга оширилимоқда, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва худудлар ўртасида кооперация алоқалари кучаймоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда кооперациянинг янги шакллари ва истиқболли лойиҳаларини илгари суриш учун самарали мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугун ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тар-

моқларида инвестиция лойиҳалари амалга оширилимоқда, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва худудлар ўртасида кооперация алоқалари кучаймоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда кооперациянинг янги шакллари ва истиқболли лойиҳаларини илгари суриш учун самарали мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугун ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тар-

моқларида инвестиция лойиҳалари амалга оширилимоқда, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва худудлар ўртасида кооперация алоқалари кучаймоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 март куни қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида инвестициялар жалб қилиш ҳамда экспортни кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўтган йили юртимизда 23 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилиб, озиқ-овқат саноатида 86 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, бунча маҳсулотда 5 миллиард долларлик экспорт қилиш мумкин эди. Лекин вазирлар ва ҳокимлар ишни тўғри ташкил қила олмагани, экспортчилар муаммосини ҳал қилмагани сабабли бу кўрсаткич 2 миллиард доллардан ошмаган.

Йиғилишда экспорт таркиби ва географияси таҳлил қилинди. Хусусан, ўтган бир йилда Австралия, Янги Зеландия, Сингапур, Колумбия, Индонезия каби 10 дан ортиқ янги бозорлар очилиб, уларнинг сони 85 тага етди. Лекин экспортнинг 80 фоизи 5 та давлат бозорига тўғри келяпти. Шунингдек, 10 турдаги маҳсулотнинг улushi жами мева-сабзавот экспорттида 60 фоизни ташкил қилади.

Хар йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашга 700 миллиард сўм, ишлаб чиқаришни кўпайтиришга 1 триллион сўм йўналтирилмоқда. Лекин натижа шунга яраша эмас. Бу борада 1 миллион гектар ғалладан бўшайдиган майдон, 508 минг гектар аҳоли томорқаси, 260 минг гектар одамларга бўлиб берилган ерлар имкониятидан тўлиқ фойдаланилмапти. Айрим

туманлар умуман мева-сабзавот экспорт қилмаган.

Давлатимиз раҳбари бу йил қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат экспортини жадал ошириш учун яна қандай шароит керак бўлса, қўриб қиқчишга тайёрглигини билдирди.

— Инфляцияни жиловлash ва валюта барқарорлигини таъминлаш экспорт билан чамбарчас боғлиқ. Кўп маҳсулот етиштириш билан бирга экспортга қулайликларни кенгайтирмасак, натижа қутилгандек бўлмайдми, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда экспортчи тадбиркорлар ва логистика корхоналари вакиллари иштирок этди. Президент улар билан мулоқот қилиб, муаммо ва ташаббусларини эшитди.

Жумладан, Германия, Венгрия, Польша, Испания, АҚШ ва Қозғистондаги савдо уйлари тадбиркорлар бошқарувига бериш, Нагоя, Мерсин, Роттердам, Циндао, Клайпеда, Доха каби йирик порт шаҳарларда савдо уйи очиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Яқинда Юқори Чирчиқдаги Агрохизматлар марказида халқаро аккредитациядан ўтган илк хусусий лаборатория очилди. Бу йил 8 миллион доллар инвестиция ҳисобига Зангиота тумани, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида ҳам

худди шундай замонавий лабораториялар ишга тушади.

Тошкент шаҳрида Референс-лаборатория ташкил этилиб, хусусий лабораториялар ишининг халқаро стандартларга мослиги таъминланади. Бунга Жаҳон банкидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 12 миллион доллар берилди. Бундан буён, халқаро тан олинган реагентлар импорт божидан озод қилинади, уларга мажбурий экологик сертификат олиш талаб этилмайдми.

Мутасаддиларга бошқа лабораторияларни ҳам халқаро аккредитациядан ўтказиш, мева-сабзавот сифатига хорижий давлатларнинг миллий талабларини ўрганиб, юртимиз экспортчиларига етказиш бўйича топшириқ берилди.

Халқаро кўргазмаларда қатнашиш тизимини қайта қўриб чиқиш кераклиги айтилди. Бунда тадбиркорларнинг рейтингги асос қилиб олинади. Юқори ва ўрта рейтингга эга бўлган тадбиркорлар учун кўргазмаларда қатнашиш харажати 100 фоиз олдиндан тўланади. Паст рейтинглилар кўргазмада иштирок этганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этгандан кейин, харажатининг 50 фоиз қисми қоплаб берилди.

Қўллаб-қувватлаш масаласи қийнаётган масала, бу — айланма маблағ. Шу боис жорий йилда

Бизнесни ривожлантириш банкидан ушбу мақсадлар учун 1,5 триллион сўм ресурс йўналтирилади. Бу маблағлар эвазига экспортчи корхонага фермер ва тайёрлов омбори билан тузган шартнома суммасининг 50 фоизига қимматсиз кредит берилди. Кредитлар 18 фоиз ставкада 6 ой имтиёзли давр билан 1,5 йил муддатга ажратилади.

Маълумки, мева-сабзавот саноатида маҳсулотларига қараганда тез бузилади, сифатини йўқотади. Шу боис маҳсулот туридан келиб чиқиб, йўқотиш микдори 10 фоизгача белгиланади. Ҳўл мева, шарбат, қандолат, мурabbo, жем каби бир хил ҳароратда етказиш талаб этиладиган маҳсулотлар учун совиткичи юк контейнерлари олиб келинади.

Табиий йўқотиш ва сифат бузилишини камайтириш учун қадоклашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу йўналишда замонавий корхона ташкил қилиб, тажрибали дизайнерларни жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Аҳоли томорқалари ва экин ерларида сархил мева-сабзавотлар етиштирилади. Уларни нақд пулга сотиб олиб, экспортга тайёрлаб берадиган таъминотчилар кўп. Энди улар ўзини ўзи банд қилган шахслар каби фаолият юритади ва айланмасидан қатъи назар, барча солиқлардан озод бўлади.

Умумхалқ ҳашари

ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ

Халқимизнинг неча асрлардан буён яшаб келаятган эзгу қадриятлари кўп. Шулардан бири — ҳашар. Негаки, ана шу тадбир асосида ён-атроф ободонлаштирилади, эҳтиёжманд инсонлардан хабар олинади, керак бўлса, уларнинг уй-жойи қўллашиб таъмирдан чиқариб берилади.

Ҳашарнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у одамларни битта эзгу мақсад йўлида бирлаштиради, жамият ҳаётида ҳамжиҳатлик ва аҳиллик қарор топиши учун шароит яратади. Бунин Наврўз байрами олдида ўтказилган ҳашар мисолида ҳам кузатиш мумкин бўлди.

— Ҳар йили ўтказиб келинаётган умумхалқ ҳашарлари халқимиз орасида бирдамлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга хизмат қилмоқда, — деди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Жобир Аскарров. — Жорий йилда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 6 мартдаги фармойиши билан умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш белгиланган бўлиб, шу асосида тайёргарлик кўрилди. Натижада 16 — 18 март кунлари "Обод ва фойзли маҳалла — юрт кўрки" шиори остида умумхалқ хайрия ҳашарини юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказиб олдик.



НАВРЎЗ РУҲИ ВА ФАЛСАФАСИ

халқимизнинг олийжаноб интилишларига ғоят уйғун ва ҲАМОҲАНГ



4-саҳифага қаранг.



СЕНАТ РАИСИ БОШЧИЛИГИДАГИ ЯНГИ КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Айтиш жоизки, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун Тикланиш ва тарққиёт жамғармаси ҳисобидан Халқ банки, Бизнесни ривожлантириш банки ҳамда “Микро-кредитбанк”ка зарур ресурслар ажратилди, шунингдек, хорижий грант маблағларини жалб қилиш чоралари кўрилмоқда.

Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева раҳбарлигидаги комиссия зиммасига юклатилди.

Шу мақсадда Сенат Раиси раҳбарлигида мутасадди вазирлик ва идоралар, тижорат банклари вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, 2024-2025 йилларда тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғул-

ланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш ишлари бошланди.

Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги республика ишчи гуруҳи хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни маҳалладан бошлаш мақсадида Тошкент вилоятининг Янгиёул туманида бўлди.

Дастлаб туман ҳокимиятида республика ишчи гуруҳи аъзолари, вилоят ва туман масъулари билан учрашув ўтказилиб, аниқ вазифалар белгиланди. Аҳолиси 3 минг нафардан зиёдни ташкил этадиган Қирсадақ маҳалласи намунавий иш очиш учун танлаб олинди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари ушбу маҳаллада бўлиб,

фаоллар, нуронийлар, отинийлар, “маҳалла еттилиги” билан учрашув уюштириш ҳамда бевосита маҳаллада амалга оширилаётган ишларни келишиб олди.

Эндиликда ишчи гуруҳ аъзолари уйма-уй юриб, хатлов ўтказган ҳолда маҳалла аҳолисининг ҳар бири шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларини аниқлайди ҳамда унинг натижалари асосида маҳаллани ривожлантириш режасини ишлаб чиқади. Шу билан бирга, мазкур жараёнда ижтимоий ҳимояга, тиббий, психологик ёрдамга муқтож фуқароларга кўмак бериш чораларини кўради.

Сенат Раиси Қирсадақ маҳалласида Наврўз байрами арафасида ташкил этилган умум-халқ ҳашарида ҳам қатнашди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

ҚОНУН ИЖРОСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси ҳолати ўрганилмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан Навбаҳор, Хатирчи, Қизилтепа ва Қонимех туманлари ҳамда Навоий шаҳар спорт таълим муассасалари ва мажмуаларида қонун ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Ўрганиш жараёнида қонунни ижро этиш учун ташкилотлар томонидан қабул қилинган қонуности ва идоравий норматив ҳужжатлар мавжудлиги ва қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқлиги, амалиётда қўлланилмаётган нормалар ва қонунчиликдаги бўлиқлар ҳамда ижрога тўқнаш қилаётган сабаблар ва шароитларни аниқлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қайд этиш жоизки, Навоий вилоятида 25 та жисмоний тарбия ва спорт ташкилоти фаолият юритади. Шундан 13 таси спорт мактаби, 4 таси ихтисослаштирилган спорт мактаби ва биттаси Навоий олимпия ва паралимпия спорт

турларига тайёрлаш маркази ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида биттадан футбол академияси ва мактаби мавжуд.

Вилоятда 19 та спорт таълими муассасаси бўлиб, уларда 16 минг 863 нафар спортчи шуғулланади. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида 2023 йилда маҳаллий бюджетдан 2 840 млн. сўм, республика бюджетидан эса 1 876 млн. сўм йўналтирилган.

Ўтган йили вилоят шаҳар ва туманларидаги 35 та маҳалла умумий қиймати 6 812 млн. сўмлик 39 та спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Ўрганиш натижаларини Сенат қўмитаси ва халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашнинг қўшма мажлисида муҳокама этиш режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР



Депутатлик назорати ўрнатилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб депутатлар Президентимизнинг шу йил 14 март куни Сирдарё вилоятининг Сайхунбод туманига ташрифи якунларидан келиб чиқувчи устувор вазифаларни муҳокама қилинган.

Фракция аъзолари охириги етти йилда вилоятда тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти кенг ривожлангани, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар бажарилиганини эътироф этаркан, ташриф давомида белгилаб берилган вазифалар партия ва унинг фракцияси зиммасига ҳам катта масъулият юклаганини қайд этдилар. Бу борада депутатлар янада фаол бўлиб, ушбу топшириқлар ижроси устидан доимий равишда депутатлик назоратини ўрнатиб бориши лозимлиги таъкидланди.

ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайитов қайд этганидек, Сайхунбод томоқчилик ривож бўйича ўртачадан паст туманлар қаторига қиради. Мана шу туманни кўтариш орқали қолган туманларда ҳам ушбу тажрибани оммалаштириш, бу орқали одамларни ҳаракатга келтириш кўзланаяпти.

Муҳокама чоғида давлат раҳбари ташрифи якунларидан келиб чиқиб, устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига пиротехника буюмлари қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор ўзгартиришлар киритилмоқда. Жумладан, ички ишлар органларининг профилактика инспекторларига мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомаларни расмийлаштириш ваколатини бериш тақлиф этиляпти.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишга, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулки хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шаҳарсозлик соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш

тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, охириги икки йилда спортни ривожлантириш бўйича 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Сўнгги беш йилда эса соҳага қарийб 4 триллион сўм ажратилган. Буларнинг барчаси ёшларни спортга кенг жалб қилиш, нуфузли халқаро майдонларда Ватанимиз байрогини баланд кўтараётган машҳур спортчиларимиз сифатини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Лойиҳа билан Жиноят кодекси тегишли моддалар билан тўлдирилиб, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши ҳамда спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзолари Абдумалик Ақромов, Умид Жабборов ва бошқалар қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш билан бирга қатор саволларни ўртага ташлади. Қонун ташаббускорлари эса барча саволлар юзасидан атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Йиғилишда “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Шаҳарсозлик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Шаҳарсозлик кодексига Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош тархи ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш тархлари каби шаҳарсозлик ҳужжатларининг янги турлари киритилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, унинг қабул қилиниши шаҳарсозлик соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга, шаҳарсозлик ҳужжатларининг янги турларини ишлаб чиқишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини қайд этдилар.

Йиғилишда депутатлар томонидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқлари таъминланади

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси афрофлича кўриб чиқилди.

Шаҳарлар ва шаҳарлар атрофларининг бош режалари эскиргани ва уларнинг янги бош режаларини ишлаб чиқиш кўп вақт талаб этиши, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни тўхтатиб туриш имконияти йўқлиги боис шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Лойиҳа ташаббускорларининг айтишича, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига шаҳарларнинг бош режаларини соддалаштирилган кўринишда ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи ва лойиҳа ташкилотига лойиҳалаш топширигини бериш ваколатини тақдим этиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар амалдаги меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқиб, айрим саволлар билан масъулларга юзланди.

Хусусан, фракция аъзоси Шарофиддин Назаров лойиҳада Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш кўзда тутилмаётгани, амалдаги қонунчиликка кўра эса аҳолини жойлаштириш бош тарҳини ишлаб чиқиш назарда тутилганини

сида”ги қонун лойиҳаси афрофлича кўриб чиқилди.

Муҳокамада таъкидланганидек, иқтисодиёт тармоқларига интеллектуал фаолият натижаларини жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уларнинг қўшимча қиймат билан сотилишини таъминлашда интеллектуал мулкни ишончли ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал фаолияти натижасида яратилган мулкнинг дахлсизлигини кафолатлаш, жамиятда ҳуқуқбузарликларга қарши тоқатсизлик муносабатини шакллантириш ҳамда фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан манфаатдорлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни қонунчиликда мустаҳкамлаш талаб этиляпти.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмларини амалиётга татбиқ этиш, тегишли ҳуқуқларни ҳимоя қилишда томонларнинг манфаатдорлигини ошириш белгиланмоқда.



Шунингдек, ушбу йўналишдаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини такомиллаштириш, қонунга хилоф равишда фойдаланиш натижасида етказилган зарар ўрнига тоовон талаб қилиш тартибини, бунда биринчи навбатда, ҳуқуқ эгасининг манфаатдорлигини оширишга қаратилган янги тартибларни жорий қилишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Тадбир давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида лойиҳанинг биринчи ўқиш муҳокамаида билдирилган тақлифлар эътиборга олингани ва лойиҳа матидада ўз аксини топганлигини алоҳида қайд этди.

Қонунчиликда ҳар бир масала муҳим

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида Шаҳарсозлик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Шаҳарлар ва шаҳарлар атрофларининг бош режалари эскиргани ва уларнинг янги бош режаларини ишлаб чиқиш кўп вақт талаб этиши, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни тўхтатиб туриш имконияти йўқлиги боис шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Лойиҳа ташаббускорларининг айтишича, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига шаҳарларнинг бош режаларини соддалаштирилган кўринишда ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи ва лойиҳа ташкилотига лойиҳалаш топширигини бериш ваколатини тақдим этиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар амалдаги меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқиб, айрим саволлар билан масъулларга юзланди.

Хусусан, фракция аъзоси Шарофиддин Назаров лойиҳада Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш кўзда тутилмаётгани, амалдаги қонунчиликка кўра эса аҳолини жойлаштириш бош тарҳини ишлаб чиқиш назарда тутилганини

қайд этди. Шунингдек, депутат ҳудудларни ривожлантиришда бир қанча тушунчалар борлигига тўхталиб, уларни аниқлаштириш зарурлигига урғу берди.

Адлия вазирини ўринбосари Алишер Каримовнинг маълум қилишча, тақлиф этилаётган норма умумий қоида сифатида киритилмапти. Яъни ҳудудни ривожлантириш режалаштириш назарда тутилган. Қайсидир ҳудудга ижтимоий объектлар жойлаштириш, бошқа бир ҳудудга тадбиркорлик зоналарини ташкил этиш билан боғлиқ умумий қоидаларни белгилашга қаратилган меъёр ҳисобланади. Ушбу модда орқали қаерга тадбиркорлик субъекти керак, қайси жойда мактаб ва боғчага эҳтиёж борлигидан келиб чиқиб, ҳудудни ривожлантириш режаси тасдиқланади.

Ўз навбатида, депутат қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ушбу моддани ўзгартириб, “Ўзбекистон Республикасида ҳудудий ривожлантиришни режалаштириш”, деб ёзиш тўғри бўлишини билдириди. Шунингдек, ҳудудий ривожлантириш ишлаб чиқиш зарурлиги, бунда демографик ўсиш, географик жойлашув, иқлим ва бошқа барча жиҳатни инобатга олиш кераклиги қайд этилди.

Муҳокамада қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза-

ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

ЎзЛиДеП



Яқинда депутатлар томонидан Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси фаолиятига оид қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Зафар Худойбердиев** қонун лойиҳаси биринчи ўқишда киритилганида иқтисодий таъсири паст ҳолатлар бўйича биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектига молиявий санкция қўлланилмаслиги ва уларга нисбатан профилактика тушунтириш тадбирлари амалга оширилиши қайд этилганига тўхталиб ўтди.

“Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эса масъул қўмита ўзгартириш киритиб, “иқтисодий жиҳатдан паст таъсир даражасига эга бўлган ҳолатлар” деган атамаларни шакллантирган. Биринчи ўқишдаги шакли ғализ келтирилгани ушбу ўзгартиришга сабаб бўлгани айтилмоқда. Ваҳоланки, 20 йилдан буюн қонунларимизда қўлланилиб келляётган “иқтисодий таъсири паст” тушунчаси бугунги кунга келиб, ғализ келтирилган дейилишига қўшилмайман”, деди депутат.

«Миллий тикланиш» ДП

Ўзбекистон “Миллий тикланиш демократик партияси фракцияси аъзоси **Ўктам Исмолов** “Илмфан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокамасида Илмий кенгаш аъзоларининг яриидан кўпи мазкур кенгашни тузган таълим муассасасида фаолият юритувчи олимлардан иборат бўлиши ҳақидаги талаб бекор қилинишини қўллаб-қувватлашни билдирди.

“Лекин асос сифатида кўрсатилаётган қарордаги мақсадга кўра, бошқа муассасалардан келадиган кенгаш аъзолари 50 фоиздан кўпайишига эришишдан иборат. Қонун лойиҳасининг ҳозирги тахрири билан юқоридаги мақсадга етиб бўлмайди. Шунинг учун қонунда айнан битта муассасадан аъзо бўлиш юқори чегарасини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ”, деди депутат.

«Адолат» СДП

“Савдо-саноат палатаси фаолиятининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида Савдо-саноат палатасига маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда ҳудудларда тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг натижадорлигини танқидий муҳокамадан ўтказишга оид вазифа юкланиши белгиланмоқда. Қонун лойиҳаси муҳокамасида “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Қодир Жўраев** бу бўйича ўз фикрларини айтиб ўтди.

“Эътибор қилинадиган бўлса, қонунчилигимизда “танқидий муҳокама” тушунчасига таъриф берилмаган. Бундан ташқари, бу каби қўшимчалар маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятини тартибга солуви қонунларга ҳам тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб қилади. Шу боис қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида бу борадаги камчилигини кўриб чиқиш лозим”, деди депутат.

ЎЗХДП

Ўқилги-энергетика соҳасида давлат назорати механизмлари ҳамда ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Анвархон Темиров** мазкур ҳужжат истеъмол қилинган энергия ресурслар учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва қарздорликни ундиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этишга хизмат қилишини таъкидлади.

“Айни пайтда бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: ёқилги ва энергетика соҳаларида рақамлаштириш жараёни суръатларини жаддалаштира олганимизда эди, қонунга қўшимча ёки ўзгартириш киритишга эҳтиёж ҳам бўлмасди. Шу боис соҳаларга жорий этилаётган рақамлаштириш ишларини янада самарали йўлга қўйиш бўйича идора ва ташкилотларнинг масъулиятини кучайтиришимиз лозим”, деди депутат.

Ўзбекистон Экологик партияси

Ўтган ҳафта қуйи палатада ўтказилган “Хукумат соати”да Ўзбекистон рақамли технологиялар вазирлиги депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси **Наврўзбек Юсупов** вазирнинг мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, давлат органларининг иш фаолиятини рақамли форматга ўтказиш, ижтимоий соҳа объектларини Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан қамраб олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотини қўллаб-қувватлаган ҳолда, айрим эътирозларини билдирди.

“Хукумат соати”да Экопартия депутатлари кутгандек, табиатни муҳофаза қилишга рақамли технологияларни жорий этиш, мониторинг юритишда инсон омилини қисқартириш ва автоматлаштириш тизимини йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган ислохотларга оид жавобларни эшитмадик. Ўйлайманки, кейинги тадбирларда бу каби камчиликлар тақдорланмайди”, деди депутат.

«Халқ сўзи».



ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТДА ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ ФАОЛЛИГИ ОШАДИ

Бугун Ўзбекистонда демократия ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона алоқаларни изчиллик билан ривожлантириш, халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришга қаратилган эзгу саяб-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ана шу жараёнда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида хотин-қизларнинг ролини тубдан оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Мушоҳада

Маълумки, бугунги геосиёсий вазият, иқтисодий ноаниқликлар, табиий офатлар, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат ва сув танқислиги кузатилаётган даврда ижтимоий ҳимояга энг муҳтож қатлам аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобланади. Бу эса нафақат ушбу тоифалардаги шахсларни, балки барча юртодошимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва улар бахтли ҳамда тўқис ҳаёт кечириши учун нимаики керак бўлса, ҳаммасини яратиш вазифасини кун тартибига олиб чиқди.

Едингизда бўлса, Шавкат Мирзиёев Президент сифатида иш бошлаган дастлабки даврданоқ Ўзбекистонда ижтимоий давлат қуриш стратегик мақсад этиб белгилангани ва тарихимизда илк бора Бош қомусимизда Ўзбекистон — ижтимоий давлат деб белгиланди.

Хар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат таъминллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафавутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, қисқача айтганда, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун “ижтимоий давлат” керак.

Шу боис ҳам сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, улар кўпроқ ижтимоий соҳага йўналтирилганлигини кўрамыз. Натижада охириги йилларда ишчиликдан ҳимояланиш, қафолатланган сифатли таълим бериш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни, мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётир.

Асосийси, бу борадаги ислохотларнинг нафақат ҳуқуқий-ташкилий, балки

моддий асослари ҳам етарли. Давлат бюджетининг асосий қисми айнан шу каби масалаларга йўналтирилаётгани ҳам фикримни тасдиқлайди. Жорий йилги Давлат бюджетида 151,5 трлн. сўм миқдоридида маблағ, яъни жами харажатларнинг салкам 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилади.

Гендер тенгликни таъминлаш — доимий эътиборда

Охириги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд опа-сингилларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида саяб-ҳаракатлар тизимлаштирилгани эътиборга молик. Зеро, бу ишларни янги логонага олиб чиқиш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди.

Ҳўш, бу борада қандай ишлар қилинди ва нималарга эришидик? Бу ҳақда гап кетганда, энг аввало, эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёши 18 ёш этиб белгилангани, хотин-қизлар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланлишни таққиланадиган меҳнат шариоити ноқулай бўлган ишлар рўйхати бекор қилингани, ички ишлар ва Халқ банки тизимида улар билан ишлаш масалалари бўйича инспектор лавозими жорий этилганини келтириш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодиёти, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча баҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур тасдиқланди. У билан хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий



ҳамда иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди ва унинг ижроси таъминланяпти.

Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда вояга етаётган қизларга олий таълим муассасасида тахсил олиши учун 4 фоизли квота ажратилди. 2022 йил 9 февралдан аёлларга пенсия ҳисоблашда болани парваришлаш таътилида бўлган даврини қўшиб ҳисобланадиган иш стажи даври 3 йилдан 6 йилга оширилди. 2022 йил сентябрь ойидан хусусий корхона ва ташиқлотларда аёлларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси белгиланди. 2022/2023 ўқув йили олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда ўқиётган хотин-қизларнинг таълим шартномасини тўлаш учун фойсиз таълим кредитлари жорий қилинди, магистратура босқичида ўқиётган опа-сингилларимиз шартнома тўловларини давлат томонидан қоплаш тартиби белгиланди.

Қолаверса, эҳтиёжманд оилалар вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизлар таълим шартномаларини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаш тартиби йўлга қўйилди. Айни чоғда Алимент тўловлари жамғармаси ташкил этилиб, вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товланганлиги учун қарздор жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда, алимент тўловидан юзага келган қарздорликни қоплаб беришга йўналтириш амалиёти жорий этилди.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ишбилармонлик соҳасида аёллар ролини тубдан оширишга ҳам ургу берилаётир. Натижада ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, ма-

лакасини ошириш бўйича ўзига хос тизим яратилди. Натижа ҳам чакки эмас. Агар 2016 йил юртимизда раҳбар аёллар сони 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 12 фоиз, 2022 йилда 27 фоиз ва 2023 йилда 28,2 фоизни ташкил этди. Давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган истиқболли хотин-қизларнинг Ягона электрон базаси яратилиб, унда раҳбарликка номзод 25 мингдан ортиқ хотин-қизлар захира рўйхати шакллантирилди.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан 100 нафар хотин-қизни босқичма-босқич ўқитиш мақсадида “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастури ишлаб чиқилди. Айни пайтда бу аёлларнинг барчаси Миллий кадрлар захираси базасига киритилган.

Ҳуқуқий асос тадрижий мустаҳкамланмоқда

Кейинги йилларда барча соҳада гендер тенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Буни охириги бир неча йилда 50 га яқин, хусусан, 2023 йилнинг ўзига 13 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат — 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони ва 2 та қарори ҳамда ҳукуматнинг 6 та қарори қабул қилинган миқсолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунда жинсий ўзравонлик, жумладан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий ўзравонлиқ содир этганларга нисбатан жавобгарлик чораси қучайтирилиши билан бирга, ушбу тоифадаги жиноятлар учун қонунчиликда кўзда тутилган енгилликлар берилмаслиги, жазони ўташда муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш, ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш каби чоралар қўлланилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш, шу жумладан, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлигини очикдан-очик инкор этиш, ушбу мазмундаги қарашлар, ғоялар ва қақирикларни

тарқатиш бўйича маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоизидан 40 фоизига оширишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

Гендерга оид аудит ўтказилиши қонунчилик билан мустаҳкамланиб, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси томонидан шу аудитни ўтказиш услубияти ҳамда уч йиллик режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси доирасида сайлов жараёнларига хотин-қизлар ва эркакларни тенг асосда жалб қилиш, сайлов комиссияларини шакллантириш учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловнинг барча босқичида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг асосда иштирок этишини қузатувчи 11 та индикатор ишлаб чиқилди.

Кўриниб турибдики, бу борадаги ҳуқуқий меъёрий тадрижий тақомиллаштириб борилмоқда.

«Аёллар дафтари» тизимининг 5-босқичи бошланди

Сир эмас, инсон қадрини улуғлаш, аҳолини, айниқса, хотин-қизларни ҳаётдан рози қилиш, муаммоларини манзилли, ижобий, самарали ва жойида ҳал этиш борасида ноёб тизим — «аёллар дафтари» муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда ушбу тизимнинг 5-босқичи бошланди.

«Аёллар дафтари» бўйича тузилган Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан доимий равиш-

Умуман, сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда гендер тенгликни таъминлаш, аёллар ўртасида тадбиркорликни кенг ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шариотларини яхшилаш Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Натижада олдимизга янгидан-янги вазифалар қўйилмоқда. Бу эса биз, сенаторлардан мазкур жараёнларда янада фаол бўлишни талаб этади.

да мониторинг олиб борилмоқда. Хар бир комиссия аъзоси ҳудудларга масъул этиб белгиланган, ўзим эса Сирдарё вилоятига бириктирилганман.

Таъкидлаш жоизки, 2023 йил давомида “аёллар дафтари” тизимининг 4-босқичида 6 та тоифа бўйича 1 миллионга яқин хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилди.

Хусусан:
1-тоифа бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 423 196 нафар ишсиз хотин-қиз бандлиги таъминланди;
2-тоифа бўйича 48 913 нафар опа-сингилмизга тадбиркорликни йўлга қўйиш учун жами 448,1 млрд. сўм миқдоридида кредитлар ажратилди;
3-тоифа бўйича боқувчисини йўқотган, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган 224 397 нафар хотин-қизга 225,1 млрд. сўм миқдоридида моддий ёрдам берилди;
4-тоифа бўйича ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ва тезкор тиббий муолажага муҳтож 201 889 нафар эҳтиёжманд хотин-қизга 206,1 млрд. сўм миқдоридида моддий ёрдамлар кўрсатилди;
5-тоифа бўйича уй-жойга муҳтож 8 656 нафар хотин-қизнинг уй-жой шариотини яхшилаш чоралари кўрилди;
6-тоифа бўйича қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд 46 335 нафар хотин-қизга 85,8 млрд. сўм миқдоридида моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Эътиборлиси, бу борадаги саяб-ҳаракатларимиз БМТ глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунликда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор халқорол миқёсда эътироф этилмоқда. Жаҳон банки томонидан эълон қилинган индексда Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторида қайд этилди.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Махлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.

ИЛДИЗЛАРИ ТУТАШ ЧИНОРЛАР

Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларининг илм-фани, қадриятлари, тили ва адабиёти, санъати ва маданияти уйғун ўзанларда шаклланиб, ривожланиб келган. Ўзбекистонда Низомий Ганжавий, Имомиддин Насимий, Мухаммад Фузүлий асарлари қанчалик севиб ўрганилса, Озарбайжонда Алишер Навоий даҳосига муносабат миллий ифтихор даражасига кўтарилган.

Кардошлик ришталари

Темурийлар салтанати даврида Самарқандда озарбайжонлик Шоҳ Фатхуллоҳ Шервоний, мавлоно Фатхуллоҳ Табиб Табризий, Али Мухаммад Саййид Шариф Журжоний, Мавлоно Хожа Табризий каби қомусий олимлар мантик, фалсафа, нуҷум, шеършунослик, тилшунослик каби турли фан соҳалари ривожига улкан ҳисса қўшган. Бундан ташқари, юзлаб озар ҳунармандлари, санъаткорлар ва шоирлар Самарқандни Ер юзининг сайқалига айлантириш ишларида фаол иштирок этган.

XX асрда қўллаб озарбайжонлар ўз юртидан маҳбуран юртимизга қўйилганда ўзбек ва озар эту тирноқ сингари бир-бирига қайишиб, ҳамқандан ва ҳаммаслаб бўлган. Мақсуд Шайхзода, Фаридун Сафаров, Эйнулла Алиев, Жафар Абдуллаев, Шевкет Гударий, Қўкеб Алиева сингари озар қардошларимизнинг маданий ҳаётимизда тутган ўрнини халқимиз унутмайди. Хусусан, шоир, адиб, драматург Мақсуд Шайхзода бадийи адабиётимизда биринчилардан бўлиб буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди шахсини улуғлаб “Жалолиддин Мангуберди” ва донишманд ҳукмдор Мирзо Улугбек ҳақида “Мирзо Улугбек” тарихий драмаларини ёзди. У олим сифатида ҳам навоийшунослик тарқиётидада ўчмас эш қолдирди, “Ғазал мулкунинг сўлтони” китобида Навоий ижодини илмий тадқиқ этиб, буюк бобокалонимизнинг Шарқ шеърияти тақомилига қўшган ҳиссасини очиб берди. Мақсуд Шайхзода ўзбек ва озарбайжон халқларининг ардоқли ва жонқуяр фарзанди, унинг асарлари эса икки халқни бириштирувчи кўприк бўлди, тарихда қолди.

Ўзбек ва озарбайжон халқларининг адабий-маданий, ижтимоий-иқтисодий алоқалари мустақиллик йиллари янада кенгайди. Ўзбекистонда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқорол мусика фестивали, халқорол мақом санъати анжумани, шунингдек, турли адабий-маърифий тадбирларда озар халқи вакилларининг қатнашуви, Озарбайжонда ташкил этилаётган турли фестиваллар ва анжуманларда ўзбекистон вакилларининг иштироки яхши аънаъага айланди. Озар халқи билан тилларимизнинг бир-бирига жуда яқинлиги, турмуш тарзини, санъатимиз, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётимиздаги муштараклиқ бутун бирдорларлик туйғуларининг ўзгача руҳда янада кучайишига туртки бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг сиёсий донолиги ва қардош халқларни ўзаро жипслаштиришга қаратилган саяб-ҳаракатлари туйфайли сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида кўп қиррали алоқалар ўрнатилди.

2022 йил 21-22 июнь кунлари Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида икки мамлакат ўртасида стратегик шериклиқни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида декларация имзоланди. Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди. Худудларорол алоқалар, саноат, халқорол қатновлар, туризм каби соҳалар билан бир қаторда маданий-гуманитар жаҳада ҳам ҳамкорликни янги босқичга кўтариш бўйича битимлар тузилди.

Икки миллат лидерларининг кўп қиррали



ҳамкорликни жадаллаштиришга қаратилган мунотазам ҳаракатлари маданий-гуманитар алоқаларимизнинг ривожланишида янги босқични бошлаб берди.

Тошкентда Хайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуасининг нашр этилиши, унда Озарбайжон муомто ва замонавий адабиёти вакилларига кенг ўрин берилгани, Фузүлий шахрида Мирзо Улугбек номидаги мактабнинг қурилиши, Озарбайжонда Ўзбекистон адабиёти ва маданияти, Ўзбекистонда Озарбайжон маданияти ва адабиёти кунларининг мунтазам ўтказиб келинаётгани икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарининг тобора мустаҳкамланиб бораётганига далолат.

Кейинги йилларда ўзбек ва озар олимларининг яқин ҳамкорлиги ҳам шу ўзанда ўз натижаларини бермоқда. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Озарбайжон Миллий илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти олимларининг яқиндан ҳамкорлик ўрнатиши узоқ йиллар муқаддас мавжуд бўлган ва айрим сабабларга қура сустлашиб кетган олимий-адабий алоқаларнинг тикланишига олиб келди. Жумладан, университетимизда Мухаммад Фузүлий номидаги илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди, Озарбайжон Миллий илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтида Алишер Навоий номидаги ўзбек адабиёти тадқиқотлари маркази очилди. 2023 йилда Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтида “Алишер Навоий ва XXI аср” халқорол конференцияси ўтказилди. Ҳаммуаллифликда озар — ўзбек адабий алоқалари ҳақида китоблар ёзилди. Икки халқ мутафаккир шоирлари, муомто ва замонавий адабиёт намояндаларининг таваллуд кунлари муносабати билан мунтазам равишда қўшма маърифий тадбирлар ўтказиш аънаъага айланди.

Жорий йилнинг 3 — 7 март кунлари университетимиз олимларининг Озарбайжонга уюштирган сафари ўзаро алоқаларимиз тарихида янги саҳифа очди. Озарбайжон Миллий илмлар академияси Адабиёт институти ташкил этилганга 90 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда қатнашиб, қатор давралар сўхбатлари, адабий-маърифий тадбирларда иштирок этиш шарафига муассар бўлиди. Хар бир учрашув озарбайжонлик дўстларимиз билан янада яқин танишиш, янги илмий ғояларни муҳокама қилиш ва келгуси режаларимизни белгилаш учун яхши имконият бўлди.

Сафаримиз давомида Насимий номидаги

Тилшунослик институти илмий жамоаси томонидан озарбайжон тилида нашр этилган Маҳмуд Кошгарийнинг “Девони луғотит-турк” китоби тақдимотида ҳам қатнашдик. Кайд этиш лозимки, “Девони луғотит-турк” том маънода илдиизи ва қадриятлари бир бўлган туркий халқлар тили ва тарихини ўрганишда ғоят муҳим манба. Дунё туркологларининг доимий диққат марказида бўлган ушбу асар исломгача бўлган даврда туркий халқларнинг маданияти, бой маънавий мероси, яшаш тарзи ҳақида маълумот бериши билан, айниқса, қимматлидир. Мазкур нашр 1937 йил ўзбек маърифатпарвар жадидчиларидан бўлган Холид Саидхўжаев томонидан озарбайжон тилига таржима қилинган матн асосида тайёрланган. Холид Саидхўжаев 1918 йил жадидчилик ҳаракатиға қарши қатлиом бошланганда Ўзбекистондан Озарбайжонга қўнган, аммо бу ерда ҳам мустабид тузум катагонига учраб 1937 йил отувга ҳукм этилган. Олимнинг ушбу таржумаси қарийб 100 йил давомида номаълум бўлиб, институт томонидан олиб борилган узоқ изланишлардан сўнг топилди.

Озарбайжоннинг Ганжа шаҳри туркийзабон ва форсийзабон адабиёт классиги Низомий Ганжавийнинг ватани ўлароқ Шарқда маълум ва машҳур. Алишер Навоий уни ўзига устоз деб билган ва шундай таърифлаган эди:

*Ганжа ватан, қўнғил ашиг ганжез,
Хотири ганжжур тили ганжрез.*

Ганжа қадимдан илм-маърифат маркази бўлиб, бу ердан қўллаб олимۇ адиблар, санъаткор ҳунармандлар етишиб чиққан. Шундай улуғ инсонлардан бири — атоқли навоийшунос олим, академик, фан арбоби, ўзбек — озар адабий алоқаларини ривожлантиришга қатта ҳисса қўшган йиркй адабиётшунос Хамид Араслидир. Олим В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, Ойбек, Ғ. Ғулом, Х. Сулаймон сингари ўзбек олимлари билан доимий ҳамкорлик қилган, ўзбек муомто адабиёти вакиллари, хусусан, Алишер Навоий ва Хусайн Боикор ҳаёти ҳамда ижоди бўйича қимматли тадқиқотлар олиб борган адабиётшунос сифатида ўзбек илмий-адабий мухитига яхши таниш. Бундан ташқари, Хамид Арасли туркий халқлар оғзаки ижодининг ҳам йиркй тадқиқотчиларидан бири. У биринчилардан бўлиб “Китоби дада Кўрқут”, “Гўрўғли” сингари халқ оғзаки ижоди намуналарини илмий тадқиқ қилиш, шунинг баробарида ўзбек фольклорини ўрганишга ҳам муносиб ҳисса қўшди. Ушбу заҳматли ва салмоқли илмий изланишлари учун 1968 йилда унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони берилди, айни шу йилда Озарбайжон Фанлар академияси академиги бўлди.

Биз сафар олдида Озарбайжон Миллий Муҳтасар айтганда, Озарбайжонда бўлиб турган кунларимизнинг ҳеч бир сонияси мазмунсиз ўтмади, десак бўлади. Режалаштирилган расмий тадбирлар орасида олимларимиз Озарбайжондаги бир неча университетлар ва илмий марказларда бўлиб, маърузалар ўқишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг дўстона муносабатлари ҳамда самарали ҳамкорлиги халқларимиз ўртасидаги маданий алмашинув ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, шу йўналишда юксак натижаларга эришишнинг янги ўлқаларини очиб берди. Икки қардош халқнинг маданияти ва санъати асрлар давомида ёнма-ён ривожланиб, бир-бирини ўзаро бойитиб, тўлдириб келаётгани биргаликда ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирларда яққол намён бўлмоқда. Эндиги босқичда оддий халқ ичига кўпроқ кирсак ва халқимиз маданиятини таништириш ишларида кенг аҳоли қатламни қамраб олсак, ишонамизки, хар бир озар оиласида Ўзбекистонга келиш, ўзига таниш бўлган қадриятлари кашф этиш истаги тўғилди. Зеро, ҳаммамизнинг мақсад ва интилишларимиз бир, дарвозаларимиз бир-биримиз учун доим очик, Мехр қўзида, дейишарди. Азалдан дўст-бирдор бўлган халқларнинг бугунги таҳлиқали замонда янада қайта топилиши, умумий мақсадлар йўлида қўлни-қўлга бериб, олган интилиши бизга кувонч бағишлайди. Икки давлат ўртасида ишонч ва юксак ҳурматга асосланган ўзаро манфаатли ҳамда самарали ҳамкорлик пойдевори мустаҳкам ўрнатилганига амин бўламиз.

Шуқрат СИРОЖИДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик.

ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ



Аксол МУХАММАДОВ олган сурат.

Бў хашар тадбири давомида “маҳалла етти-лиги” ўз ҳудудининг ободлигига ҳар доимгидан-да кўпроқ эътибор қаратганини таъкидлаш зарур.

Умумхалқ хайрия хашари тадбирларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида хар бир маҳаллада амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси тузилган бўлиб, шу асосда иш олиб борилади. Маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли уйлар, ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ҳамда болалар майдончлари тартибга келтирилди. Айни чоғда ижтимоий соҳа муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳамда бошқа тадбиркорлик объектлари атрофлари ободонлаштирилди ва кўкаламзорлаштирилди. Қабристон, масжид ҳамда муқаддас қадамжолар, ариқлар, томорқа ва йўлқалар тозаланди, маиший чинчилар чикариб ташланди, бозорлар ҳудуди, уларнинг атрофлари ораста қилинди, бинолари оқланди ва ранглар билан бўялди, дархат ва буталарга шакл берилди.

Яна бир янгилик сифатида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан биргаликда “Маҳалламга 10 туп дархат — менинг тўғам” шиори остида барча тураржой мавзелари ва маҳаллаларда иқлим шароитига мос

ҳамда сўғориш тизимини ҳисобга олган ҳолда дархат қўчатлари экиш ишлари ўтказилганини ҳам айтиб ўтқи жоиз.

Қолаверса, умумхалқ хашари давомида жойларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари тўлиқ қамраб олиш мақсадида хар бир маҳаллада амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси тузилган бўлиб, шу асосда иш олиб борилади. Маҳаллалар, аҳоли пунктлари, к

СЕНИ МАДҲ ЭТАМАН,
ЖОНАЖОН ВАТАН!

Аҳоли ва ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Мудофаа ва Маданият вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида дастлаб пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи ва “Туркистон” саройида бошланган “Ватан манзумаси” деб номланган адабий-маърифий тадбирлар, театрлаштирилган назм ва наво кечалари бутун республикаимиз бўйлаб ўтказиб келинмоқда.

Муҳими, бу адабий-маърифий тадбирлар аудиторияси қисқа вақт ичида мамлакатимиз ёшларининг жуда катта қисмини ўзига жалб қилди.

Пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида бўлиб ўтган навбатдаги “Ватан манзумаси” номли адабий-маърифий тадбирда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Маъ-

тинчлик посбони бўлиши-ми зарур!” деган чуқур маъноли сўзларини ўзига шior қилиб олган ҳарбийларимиз Ватан сарҳадларини қўриқлашда ҳамиша хушёр.

Ўз хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячиларининг фарзандлари — ота касбини таллаган йигит-қизларнинг қишқирлари йиғилган-



навият ва маърифат маркази ансамбли хонандалари томонидан Ватанин мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар ижро қилинди. Шунингдек, тадбирда мамлакатимиздаги тинчлик, оқоилият ҳаёт, ҳамжихатлик ва фаровонликни ифодаловчи видеолавҳалар, театрлаштирилган бадиий композициялар намойиш этилди. Она-Ватан, тинч ва осуда ҳаётимизни ўз жонидан азиз билган мард ҳарбийларнинг табаррук хотираси ёдга олинди.

Тадбирда шеъримиз даргалари — Ҳалима Худойбердиева, Эркин Воҳидов, Саъдулла Ҳаким, Махмуд Тоир ижодага мансуб Ватан ҳақидаги шеърлар ўқилди. Тарихда элу юрт тинчилиги ва оқоилиятини учун курашган Тўмарис, Барчиной, моҳир мерган сифатида ном қозонган Зебо Ганиева сингари хотин-қизларга бағишланган шеърлар даврга янада шуқуқ бағишлади. Бинобарин, бугун ҳам миллий армиямиз тизимида уларнинг юзлаб издошлари Ватанимиз ҳавфсизлигини таъминлаш йўлида йигитлар билан ёнма-ён хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Барчамиз, энг аввало, Ватан ҳимоячиси,

ларни гоёт таъсирлантирди. — Бу каби адабий-маърифий кечалар юртимиз посбонлари бўлиши ҳарбийларни, ёшларни Ватанга садоқат билан яшашга ундайди, ҳар биримизни юртимиздаги тинчлик-оқоилиятнинг қадрига етишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга даъват қилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг Божхона институти 2-бўлим раҳбари Ғайрат Замонов. — Кеча дастуридан ўрин олган ранг-баранг чиқишлар, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, эл севган шоирларнинг оила, элу юрт, тинчлик, севи-муҳаббатга оид шеърлари, ҳарбийларимиз кайфиятини кўтарайди. Уларга ғайрат-шижоат бахш этади. Зеро, ёшларни юртга, ўз халқига содиқ, ватанпарвар, эртанги кун учун масъулиятни теран англайдиган инсонлар этиб вояга етказиш Ватан келажagini белгилайди.

Бундай бадиий-мусликий дастурлар Ўзбекистонимизнинг кўз қорачиғидек асрашга, тинч-оқоилият, тўқин, фаровон кунларнинг қадрига етишга даъват этиши билан аҳамиятли бўлмоқда.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Инфратузилла

Жиззахда замонавий
шифохона қурилади

Ҳиндистоннинг “India International Super Speciality Hospital” компанияси директори доктор Жарам Паратсарати бошчилигидаги делегация Жиззахда бўлиб, вилоят ҳокими Э. Салиев билан учрашди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги бугунги ҳамкорлик ҳақида сўз юритилиб, ҳиндистонлик тадбиркорлар иқтисодийнинг қўллаб-қувватлашда самарали фаолият олиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Компания директори ушбу ҳамкорлик манфаатли бўлишини мамнуният билан қайд этаркан, Жиззах шаҳрида қиймати 1 миллион АҚШ долларига тенг замонавий шифохона ташкил этиш борасида ўз тақлифини билдирди. Айтиш чоғида Жиззах шаҳрида кўп тар-

моқли шифохона ташкил этиш орқали вилоятдаги олий ўқув юрталарида таълим олаётган талабаларга кўнжиклар бериш борасида ўз фикрларини баён қилди.

Учрашув чоғида, шунингдек, вилоятда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудида ҳам йирик шифохона қуриш бўйича келишувга эришилди.

Яқунда маъмур йўналишларда ҳамкорлик қилиш борасида меморандум имзоланди.

Содиқ ДОНИШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жамоаси Конституциявий судга узоқ йиллар фаолият юритган, суд фахрийси, Кораклпогистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Генжемурат ПИРЖАНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.



халқимизнинг олийжаноб интилишларига гоёт уйғун ва ҳамоҳанг

Президентимизнинг “2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида келаётган ушбу айёмнинг мамлакатимизда “Олам нурга тўйсин сен билан, Наврўз!” деган бош гоа асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юқори даражада кенг нишонланиши белгилаб берилади.

Давлатимиз раҳбарининг қарорида она замин ва табиатга меҳр-муҳаббат, саховат ва мурувват, бунёдкорлик ва олийжаноблик каби халқимизга хос эзгу фазилатлар энг қадимий байрамимиз бўлган Наврўз тимсолида асрлар давомида улуғланиб, сайқал топиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган.

Шуқуқ

Қарорда жамиятимизда инсон қадри юксалиб, бебаҳо бойлигимиз — еримиз, сувишимиз ва табиатимизга, шар борадаги неча минг йиллик анъаналаримизга ўзаро аҳилилик ва ҳамжихатликда яшашга, ҳаётни янада гўзал ва обод қилишга ундайдиган бунёдкорлик руҳи ва фалсафаси Ер юзидagi турли халқларнинг олийжаноб интилишларига ҳам гоёт уйғун ва ҳамоҳангдир.

Табиат инсон учун тириклик, мавжудлик манбаигина эмас, ҳаёт сабоғи, тажриба, билим булогидир. Аждодларимизнинг ҳаётий хулосалари табиатдан олинган. Биз бугун амал қилаётган билим ва қўнжиклар ота-боболаримизнинг, момоларимизнинг минг йиллар давомида табиатни қузатиш орқали олган улуғлари, келган хулосалари, келгуси авлодларга мерос қолдирган қадриятларига асослангандир.

Аждодларимиз нимагаки эришган бўлса, табиатни алқаш, улуғлаш, эъзозлаш туйғули эришган. Унга жонли одамдек муносабатда бўлинган. Бундай меҳр-муҳаббат табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатинга сақлаб қолмай, инсон феъл-атвори, ахлоқи, билими, дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилган.

Шунинг учун Наврўзнинг келиши бу шунчаки табиат янгилигини эмас, балки инсон қалби ва руҳиятининг янгилишини, айнаи дамда инсон ва борлиқ ўртасидаги уйғунлиқнинг намоён бўлиши ҳамдир.

Наврўз халқимизнинг тарихи, фалсафаси, қадриятларини ўзида мужассам этган, миллат билан бирга яшаб, бирга тараққий этиб келаётган қомусий айёмдир. Ушбу байрам ҳақида фикр юритади. Бироқ энг муҳими, бу азалий қадриятнинг бизнинг кунимизгача яшаб келаётгани, Наврўз билан боғлиқ айна, урф-одат ва маросимлар ҳамон элимизнинг ардоғида эканининг ўзи энг ишончли ва мўътабар манбидир.

Дунё халқлари турли тақвимларга амал қилишади. Бу тақвимларнинг энг қадимийси Шарқ халқлари амал қилиб келаётган ой, кўёш, юлдузлар ҳаракатига асосланган тақвимдир. Ушбу тақвимга кўра, Наврўз — тун



билан кун тенг келган санадир. Айнаи мана шу кунни самовий жисмлар ҳаракатида билан боғлиқ қадимий маросимлар, томоша санъати, полвонлар кураши, бахшилар беллашуви, сумалак, лолга сайиллари бўлиб ўтган. Ушбу маросим ва сайиллар моҳиятан инсон ҳаётини янада яхшилаш, табиат мушқулотларини енгиллаштириш, келаётган кўклам ва янги йилни қўлаб, унинг кут-баракали ўтишини Яратгандан сўраш, турли ўйин, ҳаракат, қўшиқлар асосида келаётган йилнинг қандай бўлишини чамалаб кўришга хизмат қилган. Ушбу эътиқод ва у билан боғлиқ маросимлар тизими бугунги кунгача сақланиб келмоқда.

Наврўз билан боғлиқ анъаналарнинг асл моҳиятида кўёшга бўлган топинг ётади. Наврўз билан боғлиқ “Шоҳ мойлар”, “Қозон тўлди” каби маросимлар, “Оқ теракии, кўк терак” сингари ўйинлар, “Сумалак”, “Лолга”, “Гул” сайиллари замирида ана шу қадим



инонч излари ётади. Бундан ташқари, юртимизда кўёш йўли билан боғлиқ қўлаб манзиллар мавжуд. Булар — Лангар ота, Нурота зиёратгоҳлари. Бундай зиёратгоҳлар кўп. Кўёш йўли манзиллари билан боғлиқ маълумотларни дунёнинг турли нуқталаридаги шунга ўхшаш ёдгорликларга қўёсан ўрганиш масалалари олдимизда турибди.

Наврўз ҳақидаги афсоналарнинг бирида аждодларимиз темир қояни эритиб, янги маконга чиққан, шу кунни янги кун, йилнинг боши деб атагани айтилади. Темир қоянинг эритилиши, темирчилик сирларининг кашф қилиниши бу, албатта, ўз даври учун катта бир инқилоб, янги бир тамаддуннинг бошланиши эди.

Бугун инсоният техника тараққиётида жуда илгариллаб кетди, юксак бир цивилизацияга эришди. Ана шу эврилишларда, ана шу та-

маддунда қачонлардир омон ҳайдаб, табиат, коинот ҳақида тафаккур қилган аждодларимизнинг ҳам улкан ҳиссаси борлигини, бу ўлка ҳамиша илму маърифат, маданият ва тафаккур бешиги бўлиб келганлигини унутмаслигимиз лозим.

Нима учун табиёт, илму нўжум, арифметика ва яна қатор фанларга айнаи мана шу ўлкада асос солинди? Наврўз тарихини, унинг моҳиятини ўргансак, бу саволларга, албатта, жавоб топаимиз.

Аждодларимиз ўзи билан табиат ўртасида чегара қўймаган. Инсонни табиатнинг бир бўлағи деб қараган. Боши узра порлаган ой, кўёш ва юлдузлар, атрофини ўраб турган ҳайвонот ва набототнинг сирини билишга интилган, улардаги ўзгаришлар инсон қалби ва руҳиятига таъсир этишини англаган. Шу боис табиатни алқалганлар, самони улуғлаганлар. “Бойчечак” ва шунга ўхшаш Наврўз билан боғлиқ кўпгина маросимлар асосида ана шундай тасаввурлар ётади. Бу катта бир билим, улкан ҳаётий тажриба эди. Даврлар ўтиши билан бу билим тизимга солиниб, ҳаётларига уйғун, ҳамоҳанг ҳолда эзгу қадрият сифатида авлодларга мерос қолдирилган.

Наврўз билан боғлиқ қарашларнинг асл моҳиятида ўзи нима ётади, деган саволнинг тугилиши табиий. Унинг ибтидосида ёвузлик устидан эзгулиқнинг, тун устидан куннинг, зулмат устидан ёруғлиқнинг тантанасини кўраимиз. Бу кураш Наврўз билан боғлиқ афсона, ривоят, қўшиқ, мақол ва айтимларнинг қат-қатида турли хил образларда, рамзларда муҳрланиб қолган.

Ранглар инсон ҳаётида шу қадар муҳим ўрин тутадик, қадим мифлардан тортиб, то бугунги кунда яратилаётган бадиий асар намуналарининг барчасида ранглар билан боғлиқ тимсолий талқинларни, бошқача қилиб айтганда бўлсак, ранглар жисосини кўраимиз.

Ранглар билан боғлиқ тасаввурлар бизда кеча ёки бугун ўз-ўзидан пайдо бўлиб

қолмаган. Халқимизнинг рангларга муносабатининг тарихи жуда қадимий. Қайсидир маънода у Наврўз билан боғлиқ, десак, муносабат эмас. Зеро, Наврўз ҳақидаги қўшиқ бўладими, урф-одат, маросим ёки халқ ўйинлари, томоша санъати — барчасида рангга алоҳида уруғ берилган.

Мисол учун, оддийгина каштачиликни олиб қарайлик. Уларда кўёш рамзи билан боғлиқ тасвирлар алоҳида ўрин тутайди. Кашта ва сўзаналардаги асосий мавзу айнаи кўёш билан боғлиқ. Чунки ҳаётда, табиат ва инсон муносабатида кўёш жуда муҳим роль ўйнаган. Сўзаналарда фасллар алмашинуви, чиқаётган ва ботаётган кўёш тасвири айнанавий рамзларда муҳрланган. Шунинг учун ҳам Наврўз билан боғлиқ барча ҳолатда қизил, сариқ, яшил, оқ ранглар талқини устунлик қилади.

Халқ сўзи
Народное слово
танловига

Ранглар билан боғлиқ жой номлари, исмлар, тилимиздаги қўшимчалар — буларнинг барчаси нафақат азалий қадриятимиз бўлган Наврўзнинг мазмун-моҳиятини, балки бадиий меросимиз, фольклор ва ёзма адабиёт намуналаридаги ранглар фалсафасини англашимизга яқиндан ёрдам беради.

Наврўз билан боғлиқ қарашлар халқнинг қадимий билим, улкан ҳаётий тажрибаси эди. Даврлар ўтиши билан бу билим тизимга солиниб, ҳаётга уйғун, ҳамоҳанг ҳолда эзгу қадрият сифатида авлодларга мерос қолдирилган. Биз Наврўзни қанча кўп ўргансак, унинг тарихи шунчалар теран эканини янада кўпроқ англаб бораверамиз.

Истиклолга эришганимиздан кейин Наврўз тамомил янгича мазмун ва моҳият касб этди. Биз зулматдан қўшли кунларга, ёруғликка чиқдик, ойдинлик, тотувлик, фаровонлик йўлини тутдик.

Наврўз — тун билан куннинг тенглашиши, хаоснинг космосга айланиши, яъни тартиб-сизликларга тартиб берилиши, қиш даврида уйқуга кетган уруғнинг ниш отиши, қўлоқ чиқариши, янги давр, янги кўклам, янги кўшадан ва юксалишнинг бошланиши, дегани.

Мамлакатимиз тарихи, Наврўз шодиёнаси, тантаналари билан боғлиқ. Юртимиздаги ўзгаришлар, юксалишлар Наврўзга ўхшаш қадриятларимиз билан уйғун ва ҳамоҳанг. Биз шўро сиртмоғидан қутулиб, озод ва мустақил давлат бўлдик. Таъбир жоиз бўлса, қаҳратон қишдан қўшли кунларга чиқдик, парокандаликдан миллий жипслик, миллий бирдамлик, тинчлик, оқоилиятлик, бугунги тараққиёт ва юксалишларга эришдик. Бунда, албатта, миллий қадриятларимиз қанот бўлди, руҳиятимизга куч ва қувват берди.

Кейинги йилларда Президентимиз қарорига мувофиқ, Наврўз умумхалқ сайли сифатида кенг нишонланмоқда. Бу билан яна Наврўзнинг қадим ва асл ўзанига, илдизига юз буряпмиз. Чунки қадимда ҳам Наврўз кенг дала-қирлар, тоғлар, боғлар қўйнида бутун элу улус билан биргаликда нишонланган. Бундай сайилларда оддий деҳқон ҳам, амалдор ҳам — барча бирдек иштирок этган. Наврўзнинг тантанали кўтиб олинишига ўз хиссасини қўшган. Халқ ўзаро бирлиқни, тотувлиқни яна бир қарра ҳис қилган.

Шу маънода, айтиш мумкинки, Наврўз — тинчлик, тотувлик, фаровонлик байрами. Миллати, динидан қатъи назар, шу юртда яшаётган барча миллат, элат, кесаксо ёш учун бирдек азиз байрам.

Бу байрам оддий байрам эмас, балки халқимизнинг тарихи, фалсафаси, тушунча ва тасаввурлари, қадриятларини ўзида мужассам этган, миллат билан улғайиб, миллат билан бирга тараққий этган байрам.

Дунёнинг турли бурчакларида яқин, олис ўлкаларда талатўплар, қирғинлар, бўлинишлар, парокандаликлар, таназзуллар юз бераётган бир даврда тинч, оқоилият ҳаёт кечириб, миллийликка суяниб, умуминсоний қадриятларни улуғлаб, эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал билан яшаётган юртнинг истиклолини кўз қорачиғидек асраб келаётган халқнинг қадриятларини улуғлаб, эзгу ният, қувончи ҳамиша бардавом бўлаверади.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,
Алишер Навоий номидagi давлат адабиёт
музеи директори, филология фанлари
доктори, профессор.

РЕКЛАМА

Barcha yuridik va jismoniy shaxslar
DIQQATIGA

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 26-iyuldagi «Toshkent shahrida davlat va tadbirkorlik sub'yektlari o'rtasida o'zaro manfaatli hamkorlik asosida investitsiya loyihalari amalga oshirish va shahar infratuzilmasini yaxshilash bo'yicha huquqiy

eksperimentni o'tkazish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-236-sonli qarori ijrosini ta'minlash maqsadida «Hududiy elektr tarmoqlari» AJ Kuzatuv kengashining 20.09.2023-yildagi 6-sonli majlisi qarori asosida «Hududiy elektr tarmoqlari» AJning 01.03.2024-

yildagi 28-sonli buyrug'i bilan «Hududiy elektr tarmoqlari» AJ Toshkent shahar elektr tarmoqlari» MCHJ (STIR: 311 162 458) etib qayta tashkil etilayotganligini e'lon qilamiz.

Pochta manzili:

100076, Toshkent shahri, Yashnobod tumani,

Muxtor Ashrafiy nomidagi MFY, Muxtor Ashrafiy ko'chasi,

1-muyulish, 9-uy.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоқси келишилган нарҳда.

ГАЗЕТНИНГ ҲАҚИДИГИ МАЪЛУМОТЛАРИ ҚЎЛГА ОЛИШ УЧУН QR-КОДИНИ ТЕЛЕФОННИНГ ОРҚАЛИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопийбати 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Тахририятга келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзқазиб берилиши учун оқушни расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳиждатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА яқуни — 22.17

Топширилди — 00.50

1 2 3 4 5 6